

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ МИНБАРИ

МУТОЛААДА НУКТАДОНЛИК САНЪАТИ (Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди мисолида)



Мехриноз АББОСОВА

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
халқаро журналистика факультети
3-босқич талабаси
oqqush0723_95@mail.ru

Аннотация

Мақолада китоб мутолаасида муҳим ўрин тутган нуктадонлик ҳақида сўз юритилади. Муаллиф Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига эътиборни қаратиб, унинг ғазал ва рубоийларини таҳлил қилар экан, китобхонда нуктадонликни шакллантириш йўллари излайди. Сўзлар замиридаги кўпмаънолилиқни тушуниш, ижодкор айтмоқчи бўлган фикрни англаш ва тўғри талқин қилишни ўрганади.

Аннотация

В этой статье говорится об искусстве пронизательного чтения (нуктадонлик) произведений узбекской классики. На примере творчества Захириддина Мухаммада Бабур анализируются газели с точки зрения формирования пронизательности, углубленного понимания их читателями. Автор статьи раскрывает сущность понятий отдельных слов, это помогает лучше интерпретировать и осознать их смысл в контексте произведений поэта.

Abstract

This article gives information about new ideologic creation, sagacity - term as “нукта” and “нуктадонлик” As well as, author emphasized to Zakhiriddin Mukhammad Bobur’s poetry and analysed his poems. She tried to comment on essence of poet’s words and his basic idea.

Калит сўзлар: китоб, мутолаа, маънавият, нукта, нуктадонлик, мумтоз адабиёт, ғазал, рубоий, шеърӣй санъатлар.

Ключевые слова: книга, чтение, духовность, классика, литература, газель, рубаи, поэтическое искусство.

Keywords: book, reading, spirituality, “нукта”, “нуктадонлик” classical literature, gazal, ruboiy, poetic arts.

Бугунги ёшларнинг китоб ўқишни, бадий асарларни, айниқса, мумтоз адабиётимиз намуналарини идрок этишни қандай ва қай даражада уддаламоқдалар? – деган саволни ўртага ташлаш ўринли. Чунки мумтоз

асарни ўқиб-тушуниш тайёргарлик ва идрокни, нуктадонликни талаб қилади. Айниқса, техника тараққий этган, излаган маълумот ёки хабарни интернетнинг кидирув тугмачасини босишимиз билан топаётган заҳотиёқ амалга ошаётган бир пайтда, китоб ўқишга эътибор сусайиб кетаётганлиги ҳақида кўп гапирилди. Мамлакатимизда китоб ва китобхонлик масаласига ҳукумат миқёсида қаралаётгани бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги(4) фармойишида аҳоли, айниқса, ёшлар орасида бадиий жиҳатдан юксак, интеллектуал савияни ўстиришга хизмат қиладиган китобларга бўлган талабни ошириш, китобхонлик даражасини юксалтириш борасида тегишли чора-тадбирлар белгиланган.

Бу ислохотлар маънавиятимизнинг тўқис бўлиши йўлидаги уринишларимизнинг энг муҳим бўғинидир. Маънавият халқимиз учун бугун пайдо бўлиб қолган тушунча эмас. У асрлар оша қондан-қонга, наслдан-наслга ўтиб келаётган умрбоқий кадриятдир. Маънавиятимиз илдизлари эса мумтоз адабиётимиз билан чамбарчас боғлиқ. Навоийни ўқишимиз керак, Бобурни ўрганишимиз шарт қабилидаги чақириқларни тўхтатиб, бу борадаги амалий ишларни йўлга қўйиш вақти келди. Аммо аксарият ёшлар мумтоз асарлар тили қийинлигини рўқач қиладилар. Мумтоз асарни тушуниш, ундан завқланиш, сўзни ҳис қилиш, буюк истеъдод эгалари назарда тутган фикрлар ва уларнинг моҳиятини англаш борасида ёшларга нуктадонлик етишмаётгандек, назаримизда. Бунинг учун, аввало, нуктадонлик масаласидаги фикрларимизни ойдинлаштиришимиз жоиз.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да **нукта** сўзига [а. – ўткир, донолик билан айтилган гап; қочирим; туб маъно, моҳият, нозик тафсилот, икир-чикир] мулойим гап-сўз, рамзу ишоралар билан ифодаланган жумла, **нуктадонликка** эса [нукта– билувчи,билағон] деган таъриф берилган.

Адабиётшунос Ваҳоб Раҳмонов “нукта” тушунчасини шундай таърифлайди: “ Нукта – янги фикрий кашфиёт, демакдир. Яъни бир ҳаётий хулоса, оҳорли ўхшатиш ёки истиора, кутилмаган муболаға, мақол ва матал воситасида фикрни жонлантириш, фавқулудда янги фикр айтиш нукта бўлиши мумкин. Байтдаги бадиий тасвир воситалари: маънавий, лафзий ва ҳарфий санъатлар иштирокини аниқлаш, уларнинг кўпмаънолилиқ, таъсирчанлик хусусиятларини ҳис этиш лозим. Байтнинг ботиний-тасаввуфий мазмунини идроклаш, байт ғазалда воқеабандликка тобеъми ёки

мустақилми, байт нукталими, нуктасизми – буларни билиш, ўрганиш китобхонда нуктадонлик – фикрий кашфиётларни идрок этиш қобилиятини шакллантиради”(5). Шундай экан, нуктадонликни фақат адабиёшунос олимлар ёки адабиётга яқин соҳа вакиллари эмас, ўзини онгли деб билган барча кишилар, айниқса ёшлар тўлиқ ва мукамал эгалламоғи лозим.

Нуктадонлик қобилиятини ривожлантириш учун ўқувчи луғат билан ишлашни, бир неча китобни бир пайтда ўқиш, турли манбаларга муурожаат этишни билиши керак. Бир қарашда бу мураккаб жараёндек туюлади. Бироқ бу мушкулотлар олдинда сўзнинг асл таъми, завқини туйиш неъматини кутиб турганини билган одам учун ҳеч нарса эмас. Буни ҳассос шоир, дилбар шахс Заҳриддин Муҳаммад Бобур шеърларини таҳлил қилиш орқали тушунишга ҳаракат қиламиз.

Бобур ғазалларидаги мисраларнинг қўймалиги, байтлардаги ҳар бир сўзнинг ўз ранги ва таъмига эга эканлиги, бир ғазалда кўплаб санъатлардан усталик билан фойдаланиш маҳорати, лирик кечинмаларини рассом каби тасвирлаши шоирнинг том маънода туғма истеъдод соҳибини эканлигидан далолат беради.

Ҳажр аро ишрат аёгин борми нўш айлар чоғим,

Сенсизин юриб аёқ ичкунча синсун аёғи(1, 87) – деб ёзади шоир бир ўринда.

Байтнинг мазмуни: *сендан айролигимда роҳат майини ичмадим, сенсиз юриб май ичкунча оёғим синсин.*

Байт мазмунида ифодалаш мумкин бўлмаган тажнис санъати, фикрий кашфиёти – нуктасидир. “Аёқ” – май демакдир, яъни роҳат-фароғат майи. Кейинги мисрадаги эса тана қисми оёқни ифодаловчи “аёқ” сўзи олдинги мисрадаги “оёқ” сўзига шаклдошдир. Маънолари эса ҳар хил.

Дасти бермас, васли келмас ёру раҳм этмас, не суд?

Бормоғим бўғзимга элтиб, бормоғим ёлбормоғим.

Яъни, ёрнинг раҳм қилиши, васлини кўрсатишининг имкони бўлмаса, бармоғимни бўғзимга қўйиб бориб, ёлворишимдан нима фойда? Бунда, биргина “бормоғим” сўзининг ўзи уч ўринда турли маъноларда келганини кўриш мумкин. Китобхон нуктадонликни ишга солса, Бобурнинг юксак маҳорати билан сўзларни жинсдошлаштириши – “тажнис” санъатини яратишига тан бермай иложи йўқ.

Ғазал мақтаъси – сўнги хулоса байтда бир вақтнинг ўзида икки санъатдан фойдаланганлигини кўриш мумкин:

Кўзларимдин боргали ёшим таним бўлди низор

Билмадим, ул ёш экандур, Бобуро, менинг ёғим.

Мазмуни: Кўзимдан ёш оқавергани боис таним заифлашди. Билмадим бу ёш менинг душманиммикин. Яъни “ёш” сўзи биринчи мисрада кўз ёш, иккинчи мисрада ҳам ёш бола – ёр, ҳам кўз ёш маъноларида ифодаланган. Муаллиф “ёш” сўзини ишлатиш орқали “тажнис” ва “ийҳом” санъатларидан фойдаланган.

Яна бир ғазалидаги байтга тўхталиб ўтсак:

*Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ёмон қилди, ман ондин бир сўрорим бор (1, 45).*

Байтда ифодаланган лабнинг ранги қонни эслатади, яъни: ёрнинг лаби ошиқ бағрини қон қилади ва кўзидан ёш эмас қон оқизади. Ошиқ нега холини ёмон қилганини айтади ва “сўрорим бор” сўзини икки хил маънода келтиради. Бунда “ийҳом” санъатининг ёрқин мисолини кўриш мумкин. Ички қофияларнинг келтирилиши ғазал жозибасини, тез тилга кўчиш хусусиятларини орттирган.

Бобур ижодида рубоийлар алоҳида қимматга эга. Тўрт мисрага юрагида ойлар, йиллар мобайнида тўпланган дард ва хасратни, ўй-хаёлларини, фалсафий фикрларини сиғдира олган. Абдурауф Фитрат шоирнинг бу фазилатини аниқ қайд қилиб, ёзади: “Бизнинг шоирларимиздан ўзини Хайёмга ўхшатишга тиришганлари кўп. Навоийнинг, Лутфийнинг, Умархоннинг, Фазлийнинг ва бошқаларнинг хайёмона рубоийлари йўқ эмас, бор. Лекин буларнинг ҳеч бири рубоийда Хайёмга яқинлаша олмади... Хайёмга яқинлашишга муваффақ бўлган бирдан-бир шоир Бобур мирзодир. Бобурнинг рубоийларида бўлган очиклик, соддалик Хайёмга ўхшайдир”⁽³⁾.

*Аҳбоб, йигилмоқни фарозат тутингиз!
Жамъиятингизборинидавлаттутингиз!
Чунгардишичархбудурур, Тенгри учун,
Бир-бирнинеча кун ганиматтутингиз!(2, 166).*

Шоир рубоийларидан бирини “Эй ел, бориб аҳбобқа номимни дегил!” деб бошласа, бошқаларини қуйидагича хотималайди:

*Бўлмайдогои масти хобқилмоқмушиқил,
Аҳбобдин ижтиноб қилмоқ мушиқил(2, 175).*

ёки:

*То ҳажрғаму меҳнати таскин топқай,
Истайдурур аҳбоб паёмини кўнгул(2, 175).*

Аҳбоб – севимли дўстлар, кўнгилга ёр кишилар, демак. Шундай бўлгач, улар меҳру вафони унутмаслиги керак:

Аҳбоб унутмаса керак аҳди қадим,

Еткурса керак хабар гаҳи пайки насим(2, 181).

Аҳбобдан айрилган киши хотиржамлик ва ҳаловатини бой беради, бундай азобдан қутулиш ҳақида ўйлайди:

Аҳбоб, фироқингиз била эл нетгай?

Сизларга киши не чора айлаб етгай?

Жамъиятингизни жамъ тутқай Тенгри,

Бобурни доғи бу жамъда жамъ етгай(2, 206).

Бобур олис юртларда орзиқиш ва умид билан азоб чекиб умр кечиргани туфайли одам одамга, дўст дўстга ғанимат эканлигини қайта-қайта таъкидлаган. Унинг бу хусусдаги шеърларини оддий инсоннинг ўзидек бир инсонга мурожаат сифатида ҳам тушуниш ёки шохнинг содиқ дўстга интизорлиги ифодаси деб ҳам талқин этиш мумкин. Чунки Бобур рубоийларида аҳбоб соғинчи ва аҳбобга эътиқод ҳиссиёти такрорланиб, юксалиб келаверади.

Юқорида Бобурнинг айрим ғазаллари ва рубоийларидангина мисол келтирдик, холос. Бошқа сўз санъаткорларига чуқур ҳурмат кўрсатган ҳолда, ёшлар нуқтадонлик санъатини эгаллашни мумтоз адабиётимиз намуналари орасида Бобур асарлари орқали бошлашни тавсия этамиз. Зеро, бу бебаҳо дурдоналарни ўқиш, уларни идрок этиш ҳам санъат, маҳоратдир. Ана шу санъатни – нуқтадонликни эгаллаган ёшларнинг маънавияти юксак бўлиши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Ғарибинг Андижонийдур. – Т.: Шарқ нашриёти. – 2008. – 45 б, 87 б.
2. Бобур. Девон. – 166 б.
3. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma & Zuhrididin Isomiddinov. Mirzo Boburning bir jumlası. [Elektron resurs]. URL: <http://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/mirzo-boburning-bir-jumlası.html> (kirish sanasi: 23-04-2017).
4. Mahsulotlarini chop etish va tarqatish tizimini rivojlantirish [Elektron resurs]. URL: <http://uza.uz/documents/kitob> (kirish sanasi: 23-04-2017).
5. To'plamlar/o'zbek tilining izohli lug'ati a madvaliyev tahriri ostida [Elektron resurs]. URL: <http://ziyo.uz/durdona> (kirish sanasi: 23-04-2017).